O'zDSt 36 2018 :2016.

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования**

**Государственный образовательный стандарт для области образования**
***510 000-Соғлиқни сақлаш***
**Издание официальное**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

O'zDSt 36.2018 :2016

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

1

I

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази.
- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш маркази.
- Тошкент тиббиёт академияси.
- Тошкент педиатрия тиббиёт институти.
- Тошкент давлат стоматология институти.
- Тошкент фармацевтика институти.

2. *ТАСДИҚЛАНГАН* ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил «21» август даги 303 - сонли буйруғи.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

## 4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| | Кириш ........................................................................................................ | 1 |
| **I.** | ***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳасининг умумий тавсифи...............** | 2 |
| 1.1. | Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари ......................................... | 2 |
| 1.2. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................ | 3 |
| 1.3 | Атамалар, таърифлар, қисқартмалар ............................................................. | 3 |
| 1.4 | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари тавсифи ............................................................................. | 4 |
| | **1-қисм** | |
| **II.** | ***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.........................................................................** | 7 |
| 2.1. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари ............................. | 7 |
| 2.2. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблар .............. | 7 |
| 2.3. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар ..................................... | 9 |
| 2.4. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар............................ | 000 |
| **III.** | ***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари тузилмаси.......................................................** | 10 |
| 3.1. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.......................................................................................................... | 10 |
| 3.2. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар....... | 10 |
| 3.3. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасидаги юклама ҳажми ............................................................ | 11 |
| | **2-қисм** | |
| **IV.** | ***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.........................................................................** | 13 |
| 4.1. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари............................... | 13 |
| 4.2. | *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари | |


STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари............. 13

4.3. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари малака амалиётларига қўйиладиган талаблар.................................................... 15

4.4. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликларининг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар 000

**V. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси.............................................** 16

5.1. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.................................................................................................................... 16

5.2. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар....... 16

5.3. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги юклама ҳажми ......................................................................... 17

**VI. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш..........................................................................................** 18

6.1. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар............................................................................ 18

6.2. Олий таълим муассасаси моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар.................................................................................................................... 19

6.3. *510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш.............................................................................................. 19

Эслатма ........................................................................................................... 20

Иловалар ......................................................................................................... 21

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, SIFAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'LIMI

O'zDSt 36. 2018 :2016

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**давлат таълим стандартлари**
**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**
***510000 – Соғлиқни сақлаш* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**
**Государственный образовательный стандарт высшего образования**
**Государственный образовательный стандарт для области образования**
***510000–Здравоохранение***

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan**
**State Educational Standards ofHigher Education**
**State Educational Standard**
***510000 –Public Health***

**Амал қилиш муддати 2016 йил «12» 01 дан**

## Кириш

***510000-Соғлиқни сақлаш*** таълим соҳасидавлат таълим стандарти«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

***510000-Соғлиқни сақлаш*** таълим соҳасидавлат таълим стандарти(ДТС) ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва б.ларни яратиш учун асос ҳисобланади.

## I.*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳасининг умумий тасnифи

***510000-Соғлиқни сақлаш*** таълим соҳасининг муайян бакалавриат таълимйўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлашолий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарийва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос даражаси 1-жадвалда келтирилган.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
5989 son bilan
«08» 01 2016 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака даражаси | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Муайян бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурлари | Бакалавр | 3-7 йил |

***510000-Соғлиқни сақлаш*** таълим соҳасининг муайян магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарийва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини мувафаккиятли ҳимоя килган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўкиш шакли ва мос даражаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака даражаси | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Муайян магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурлари | Магистр | 2-3йил |

**1.1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари**

Мазкур таълим соҳаси учун давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги норматив-ҳуқукий ҳужжатларга асосланилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2.Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли «Соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиклаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1942-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида”ги 3-сон Қарори.

### 1.2. Қўлланиш соҳаси

Мазкур ДТС ***510000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳаси бўйича** олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси ***510000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳаси бўйича** кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу ДТС ва малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

мазкур таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

таълим соҳаси(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлардан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар (бакалаврлар) ва бошқа манфаатдорлар;

абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

### 1.3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT ... MUVOFIQLASHTIRISH VA ... TEXNOLOGIYALARINI ... ETISH BOSHQARMASI

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**профиль** – таълим дастурининг аниқ касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналганлиги;

**ДТС** - Давлат таълим стандарти;

**АРМ** - ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** - илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** - олий таълим муассасаси.

**1.4.*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари таснифи**

*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари таснифида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари:

соҳалари;

объектлари;

асосий турлари;

ҳамда касбий мослашув ва таълимни давом эттириш имкониятлари келтирилади.

**Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари соҳалари:**

соғлиқни сақлаш тизимининг муассасаларида, республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат ташкилотларида санитар-гигиеник ва эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли орасида касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, тиббий-профилактика бўйича зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорат Бош бошқармаси санитар-гигиеник регламент ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш фаолиятини олиб бориш;

аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган комплекс масалаларни ечиш.

*Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**Магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари соҳалари:**

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, ихтисослаштирилган тиббий марказларида, клиникаларда, Давлат санитария-эпидемиология назорати муассасаларида, соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган комплекс масалаларни ечиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

*Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолияти асосий объектлари:**

соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар;

тиббиёт асбоб-ускуналари (замонавий диагностик, даволаш ва бошқ.), дори воситалари, биологик фаол моддалар, муолажалар, ресурслар, воситалар;

жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга мухтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;

илмий-тадқиқот жараёни.

*Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**Магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари объектлари:**

соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар;

тиббиёт асбоб-ускуналари (замонавий диагностик, даволаш ва бошқ.), дори воситалари, биологик фаол моддалар, муолажалар, ресурслар, воситалар;

жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;

соғлиқни сақлаш ташкилотларининг бошқарув тизимлари;

илмий тадқиқот жараёни;

ўқув жараёни.

*Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари:**

тиббий-профилактик;

тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам;

ташхислаш ва даволаш;

реабилитация;

тиббий-ижтимоий;

илмий тадқиқот;

фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;

ташкилий-бошқарув;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик (касбий таълим йўналишлари учун) ва шукабиларни ўз ичига олади.

Таълим соҳаси йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаситомонидан аниқланади.

**Магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари** бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларидаги ваолий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги илмий, илмий-педагогик фаолиятива шукабиларни ўз ичига олади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

Таълим сохаси мутахассисликлари бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари:

илмий-тадкикот;

ташхислаш, даволаш ва профилактика;

тиббий-ижтимоий;

ташкилий-бошқарув;

олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик (ўрнатилган тартибда);

консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.

**Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий мослашув имкониятлари:**

***Бакалавр:***

Битирувчилар педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

***Магистр:***

Битирувчилар олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида турдош фанлар бўйича илмий-педагогик фаолият юритиш имкониятига эга бўладилар.

**Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг таълимни давом эттириш имкониятлари:**

**Бакалавр:**

***510000-Соғлиқни сақлаш*** таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари негизидаги мос магистратура мутахассислиги бўйича икки ёки уч йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда олий ўқув юртларидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мустақил изланувчилик асосида илмий-тадкикот ишларини олиб бориши мумкин.

**Магистр:**

Магистратура мутахассисликлари битирувчилари магистр даражасини олгандан сўнг, олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаларига олий ўқув юртларидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида ёки мустақил изланувчилик асосида илмий-тадкикот ишларини олиб бориши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, BAYLAB
NAZORATNI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

# 1-ҚИСМ

## II. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий малака талаблари

### 2.1. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари

*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишларибитирувчиларига қўйилган умумий малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" 6.1.-бандида белгиланган умумий малака талабларига мувофиқ белгиланади.

**2.2. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талаблар**

**Тиббий-профилактик фаолиятда:**

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

аҳоли орасида тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини соғломлаштириш, беморларни парваришлаш ва кузатиш;

тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш;

аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш уларнинг жисмоний, тиббий фаоллигини ошириш;

гигиена йўналишида қўлланилаётган илғор профилактик тадбирларни ўрганиши ва амалиётга татбиқ этиш;

гигиена йўналишида профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш ***қобилиятларга эга бўлиши керак.***

**Тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида:**

шошилинч ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш;

касалхонагача бўлган тез тиббий ёрдамни кўрсатиш;

кўрсатмага кўра касалхонага ёки мутахассисга юбориш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташхислаш ва даволаш фаолиятида:**

аҳоли ва шахсий таркиб орасида касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш;

ўз фаолиятида замонавий ташхислаш ва даволаш усулларидан фойдаланиш;

касалликларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда даволаш;

беморни субъектив ва объектив текшириш;

даволаш профилактик муассасалари фаолиятини ва аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларини қайд этиш, таҳлил этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Реабилитация фаолиятида:**

реабилитация чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

беморлар ўртасида реабилитация ўтказишда замонавий усуллардан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, SAVLA
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш;

аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш ***қобилиятиларга эга бўлиши керак.***

**Илмий тадқиқот фаолиятида:**

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютукларини ўрганиш;

касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспереметал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

республика ва хорижда чоп этилган илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;

интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;

илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

аҳоли ва даволаш – профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, мазкур жараённи зарур ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш, жараённи такомиллаштириш;

таъминот жараёнининг математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва ишчанлик қобилиятининг мониторинг синовларни ўтказиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқариш;

тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;

малакали ёрдамни ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш;

моддий, меҳнат ва информацион ресурслардан рационал фойдаланишни таъминлаш;

аҳоли соғлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш;

ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (касб таълими йўналишлари учун):**

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидамутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

ўкув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришқ***обилиятларига эга бўлиши керак.***

**2.3.510000-*Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув ва ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – танишув, ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўз ичига олади.

Танишув амалиёти ўтказилганда – талабалар, соғлиқни сақлаш муассасаси билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Касбий таълим йўналишларида талабалар ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳам танишадилар.

Умумкасбий фанлардан ўкув амалиёти соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Ишлаб чиқариш амалиёти мутахассислик фанларидан ўтказилиб, талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир қисмини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У битирувчини кафедраларнинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (махсус) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув малакавий ишни кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилинишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

илмий ишларнинг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;

олий таълим муассасасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, SAYLA... MAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошка ОТМларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

Касб таълими йўналишлари учун педагогик амалиёт ўрта тиббиёт касб-хунар муассасаларида психологик ресурсларини ўрганиш, ўқувчининг шахс портретини туза билиш, ўқув гурухи ичида социометрия ўтказа олиш, педагогик махоратини ошириш, ўқувчининг фикрлаш доирасини аниқлаш, унинг қобилиятини ошириш усулларини қўллай билиш, педагогик мулокотни бахолай билиш ва шулар асосида ўз педагогик мехнат фаолияти учун дастур ярата билиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**2.4. 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар.**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуклар хамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини хисобга олган холда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари назарий (реферaтив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши хам мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи, одатда талабаларга битирувчи курсдан аввалги курс тугатганидан кейин берилади. Битирув малакавий иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вакт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишнинг хажми бакалаврлар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, хажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш хақидаги Низом асосида белгиланади.

## III. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим сохаси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари тузилмаси

### 3.1 *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлариўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган холда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни хам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, BAYLA NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

Бакалавриат таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофик равишда якуний давлат аттестацияси билан туталланиши шарт.

**3.2. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

***Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

***Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:***

соғликни сақлашда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларини билишнинг тиббиёт соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадкиқ этиш концепцияси; табиатдан окилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадкиқ этиш концепцияси; табиатдан окилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

***Умумкасбий фанлар блоки:***

математик ва табиий-илмий фанлар билан соғлиқни сақлаш таълим йўналишларидаги иқтисодий фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

соғлиқни сақлаш таълим йўналишларидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни кайта ишлаш йўрикларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

***Ихтисослик фанлар блоки:***

соғлиқни сақлаш соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги магистратура мутахассислиги ва клиник ординатура бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

***Қўшимча фанлар блоки***

соғлиқни сақлаш соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари фанлари бўйича қўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**3.3. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб

STANDARTLASHTIRISH, ... HUJJATLARI MUVOFIQLASHTIRISH ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI ... ETISH BOSHQARMASI

чикаришдан ажралган холда (кундузги) ўкиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори хажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати:

уч йил бўлгани холда ўкув жараёни 104 ҳафта;

тўрт йил бўлгани холда ўкув жараёни 204 ҳафта;

беш йил бўлган ҳолда ўкув жараёни 256 ҳафта;

олти йил бўлган ҳолда ўкув жараёни 308 ҳафта;

етти йил бўлган холда 360 хафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим - 63 - 70%;

аттестация - 8 - 10 %;

таътил -12 - 16 %;

малака амалиёти - 6 - 12 %;

битирув малакавий иши - 2-3%.

Назарий таълим ҳажми "Соғлиқни саклаш"билим соҳасигамувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар 15 - 20%;

математик ва табиий-илмий фанлар 10 - 15%;

умумкасбий фанлар 45 - 50 %;

ихтисослик фанлар 10 - 15 %;

қўшимча фанлар 5 - 7 %.

Ўкув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

U ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

# 2-ҚИСМ

## IV. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**4.1. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълимсоҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари**

*510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишларибитирувчиларига қўйилган умумий малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" 6.2.-бандида белгиланган умумий малака талабларига мувофиқ белгиланади.

**4.2. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талаблари**

**Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар**

Илмий-педагогик иш ОТМ ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек мутахассислигига мос ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

***Илмий-педагогик иш:***

соғликни сақлаш соҳасидаги магистратура мутахассислик фанлари бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

услубий кўрсатмаларни тузиш;

тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутади.

**Илмий-тадқиқот ишига бўлган талаблар**

Илмий-тадқиқот *иши ОТМнинг илмий-тадқиқот* лабораторияларида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ва соғликни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-методик ишОлий ва ўрта махсус таълим ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари таълим муассасаларининг кафедралари, илмий-тадқиқот институтларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий) ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказиш рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади.

***Илмий-тадқиқот иши:***

соғликни сақлаш соҳасидаги магистратура мутахассисликлари бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни таткиқ қилиш методикаларини ўрганиш;

экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;

экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий дастурлар пакети ва маълумотлар базаларини тузишни назарда тутади.

***Илмий-методик иш:***

соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисликлари илмий-методик мавзуси бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш, холатини таҳлил қилиш;

ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш;

мавзу бўйича ўқитишни технологиялаштириш вариантларини кўриб чиқиш ва аниқ вариантини танлаш;

аниқ вариант бўйича ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш;

талабаларни ўқитадиган ва уларнинг билимини назорат қиладиган автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнида ҳамда талабаларнинг ўқув-илмий-тадқиқотларида ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланишни назарда тутади.

**Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисликларига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;

соғлиқни сақлаш замонавий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллаш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

намунавий услублар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;

илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

илмий семинарларда иштирок этиш;

илмий-техникавий мавзуларда мос журналларга мақолалар тайёрлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташхислаш, даволаш ва профилактика фаолиятида:**

аҳоли орасида касалликларни эрта ташхислаш;

касбий фаолиятида замонавий ташхислаш усулларидан фойдаланиш;

касалликларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда даволаш;

беморларни кўрсатмага кўра тор мутахассислар билан биргаликда олиб бориш ва даволаш;

ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш;

STANDARTLASHTIRISH, BAYLA
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

соғликни саклаш соҳаси ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбик килиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

соғликни сақлаш соҳасига оид замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чикиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):**

ўқитиш методикасини эгаллаш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассислигига оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

соғликни сақлаш соҳаси учун ДТС, Малака талаблари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чикишда иштирок этиш.

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

соғликни сақлаш соҳасидаги мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг аналитик таҳлилий шарҳини ишлаб чикиш;

соғликни саклаш соҳасидаги магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

соғликни саклаш соҳасидаги мутахассисликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**4.3. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари малака амалиётларига қўйиладиган талаблар**

Малака амалиёти зарур бўлган назарий билим асосида амалий кўникмаларни эгаллаш мақсадида соғликни сақлаш соҳасига мос бўлган жойларда ўтказилади ва қуйидагиларни:

кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва кадрлар тайёрлаш миллий модели ғояси ва мазмуни асосида амалга оширишни;

касбий фаолият бўйича барча турдаги кўникма ва малакаларни ўрганиш, дидактик ва амалиётга боғлиқ шароитларда татбиқ қилишни;

касбий фаолият давомида амалга ошириладиган жараёнларда иштирок этиш ҳамда ўз устида ишлашни;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, SAYLA MAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

соғликни сақлаш соҳаси доир барча воситалар, усуллар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш ва амалиётда мустақил қўллай олишни;

соғликни сақлаш соҳаси бўйича амалиётда қўлланиладиган барча турдаги ҳужжатларни замон талабларига асосан юритишни;

касбий фаолиятнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида фаол иштирок этишни *назарда тутади.*

**4.4. 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси магистратура мутахассисликларининг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар.**

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар амалдаги "Магистратура тўғрисида Низом"га мувофиқ тартибга солинади.

Магистрлик диссертацияси мавзулари олий таълим муассасалари кафедраларида кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш муассасалари ходимлари томонидан шакллантирилади.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари, қоидага кўра, долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишланади.

Кафедралар томонидан тақдим этилган ва олий таълим муассасаси ёки факультет ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган магистратура талабаларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) илмий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиётган биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи ичида тегишли олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик олий таълим муассасаларида ишлайдиган профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг илмий даража ёки унвонига эга бўлган юқори малакали ва тажрибали мутахассислари, шунингдек белгиланган тартибда магистрлик, илмий даражалар ёки илмий унвонларга эга бўлган хорижий мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши, ҳажми, мазмуни ва дастлабки ҳамда расмий ҳимояси тартиби "Магистратура тўғрисида Низом"га асосан ташкил этилади.

## V. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси

### 5.1. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратурамутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлардастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, BAYLAB
NAZORAT VA MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

соғликни сақлаш соҳаси доир барча воситалар, усуллар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш ва амалиётда мустақил қўллай олишни;

соғликни сақлаш соҳаси бўйича амалиётда қўлланиладиган барча турдаги хужжатларни замон талабларига асосан юритишни;

касбий фаолиятнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида фаол иштирок этишни *назарда тутади.*

**4.4. 510 000-Соғликни сақлаш таълим соҳаси магистратура мутахассисликларининг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар.**

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар амалдаги "Магистратура тўғрисида Низом"га мувофиқ тартибга солинади.

Магистрлик диссертацияси мавзулари олий таълим муассасалари кафедраларида кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш муассасалари ходимлари томонидан шакллантирилади.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари, қоидага кўра, долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишланади.

Кафедралар томонидан тақдим этилган ва олий таълим муассасаси ёки факультет ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган магистратура талабаларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) илмий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиётган биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи ичида тегишли олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик олий таълим муассасаларида ишлайдиган профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг илмий даража ёки унвонига эга бўлган юқори малакали ва тажрибали мутахассислари, шунингдек белгиланган тартибда магистрлик, илмий даражалар ёки илмий унвонларга эга бўлган хорижий мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши, хажми, мазмуни ва дастлабки ҳамда расмий ҳимояси тартиби "Магистратура тўғрисида Низом"га асосан ташкил этилади.

## V. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси

### 5.1. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратурамутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлардастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган холда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, NAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, тиббиёт, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соха ривожланишини хисобга олган холда мунтазам равишда шакллантириши ва янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг хар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурларини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар камраб олиниши керак.

**5.2. Ўқув режа фанлари блоклари фаолият мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Умумметодологик фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мутахассислик фанлари блоки:**

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги магистратура мутахассисликлари бўйича назарий ва амалий билимларни, уқув ва кўникмаларни шакллантириши;

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блокиилмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида соғлиқни сақлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишлари:**

- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

- талабаларга соғлиқни сақлаш соҳасида фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар:**

STANDARTLASHTIRISH, SAVLAS, ... MUVOFIQLASHTIRISH ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI ... ETISH BOSHQARMASI

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

- ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

**Стажировка:**

- соғликни саклаш соҳасида илмий тадкикот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

- иктисод, фан, маданият ва соғликни саклаш ҳамда бошка тармоклардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириши;

- соғликни саклаш соҳасида амалий касбий ва илмий тадкикот компентенцияларни шакллантириши;

- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади.

***Танлов фанлари:***

*Мутахассисликлар бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**5.3.*510 000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми хафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги)ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми хафтасига - 36 соат килиб белгиланиши лозим. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ва якуний давлат аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 -3 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич боскичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 хафтани ташкил этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 78хафта |
| Аттестациялар | 6 хафта |
| Таътиллар | 16 хафта |
| **Жами** | **100 хафта** |

Ўқишнинг норматив муддати 3 йил бўлганда ўқув жараёни 152 хафтани ташкил этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 120хафта |
| Аттестациялар | 8 хафта |
| Таътиллар | 24 хафта |
| **Жами** | **152 хафта** |

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий хажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 25 - 30%;

аттестация - 4 - 7%;

таътиллар - 13 - 16%;

илмий фаолият - 50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 70 - 75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим хажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 30 - 35%;

мутахассислик фанлари - 40 - 50%;

танлов фанлари - 13 - 30%.

## VI. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш

**6.1. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар**

**Бакалавриат:**

Бакалавриат ўқув режаси ва фан дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассислар), доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

**Магистратура:**

Магистратура ўқув режаси ва фан дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича фан номзодлари, доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек илмий унвонга ёки даражага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фан дастурларини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар белгиланган тартибда малакаларини ошириб боришлари лозим.

**6.2. ОТМ моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар**

Бакалавр ва магистр тайёрлашнинг ўқув режалари ва фан дастурларини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотлари хамда курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавриат ва магистратура ўқув режалари ва фан дастурларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ОТМ моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар:

маъруза (оқим ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;

амалий ва семинар машғулотлари учун аудиториялар билан;

илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лаборатория хоналари билан;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;

амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;

илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;

интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;

семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

### 6.3. *510000-Соғлиқни сақлаш* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш

***ички назорат*** ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

***якуний давлат назорати*** таълим соҳасининг стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр учун битирув малакавий иши, магистр учун магистрлик диссертациясининг ҳимоясини ўз ичига олиб ўрнатилган тартибларда амалга оширилади;

***давлат–жамоатчилик назорати*** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

***ташқи назорат*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ тартибга солинади.

ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

## Эслатма

Олий таълим муассасаси:

ушбу стандартдаги талабларга риоя қилинишини;

профессор–ўқитувчилар таркиби ва ўқув–ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;

ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;

ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

Олий таълим муассасасига:

ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг хафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар хажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

**Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати:**

...TANDARTLASHTIRISH, ...
...ZORAT... MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ДТСўрнатилган тартибда тасдикланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати **- камида 5 йил.**

Давлат бошкарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, BAHOLASH
MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

## Библиографик маълумотлар

УДК:002: 651. 1/7Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Соғлиқни сақлаш, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, сифат назорати, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, илмий-тадқиқот жараёнлари.

STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
MUVOFIQLASHTIRISH VA
TEXNOLOGIYALARINI
ETISH BOSHQARMASI

O'zDSt 36, 2018 :2016

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор ____________ **Б.Ҳ. Рахимов**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш маркази

Директор ____________ **М.Х.Алимова**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

Тошкент тиббиёт академияси

Ректор ____________ **Ш.И.Каримов**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

Тошкент фармацевтика институти

Ректор ____________ **А.Н.Юнусхўжаев**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ректор ____________ **Б.Т.Даминов**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

Тошкент давлат стоматология институти

Ректор ____________ **Н.Л.Хабилов**

2015 йил «27» январь

М.Ў.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

O'zDSt 36.2018:2016

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлар Бош бошқармаси бошлиғи

_______________ **Ў.С.Исмаилов**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Урология ихтисослашган илмий маркази директори

_______________ **Ф.А. Акилов**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Педиатрия ихтисослашган илмий-амалий маркази директори

_______________ **Д.И.Ахмедова**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

_______________ **Х.К. Джалилов**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

"Дори-дармон" АКнинг бошқарув раиси ўринбосари _______________ **С.И.Асадов**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти

_______________ **А.А. Абдушукуров**

2015 йил «12» феврал

М.Ў.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, BAYLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

O'zDSt 36.2018:2016

Бухоро давлат тиббиёт институти

Ректор __________ Т.А.Аскаров

2015 йил «__» __________

Андижон давлат тиббиёт институти

Ректор в.в/б. __________ Алимджанов И.И.

2015 йил «12» февраля

М.Ў.

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ректор __________ А.М.Шамсиев

2015 йил «12» февраля

М.Ў.

Тошкент тиббиёт академияси
Фарғона филиали

директор __________ Р.Д.Усмонов

2015 йил «12» февраля

М.Ў.

Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиали

директор __________ Р.Ю.Рўзибоев

2015 йил «12» февраля

М.Ў.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Нукус филиали

директор __________ Ў.А.Атаниязова

2015 йил «12» февраля

М.Ў.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

O'zDSt 36.2018:2016

Тошкент давлат стоматология тиббиёт институти
Андижон филиали

Директор ____________ Туланов Д.Ш.
М.У.

Тошкент давлат стоматология тиббиёт институти
Бухоро филиали

Директор ____________ Иноятов А.Ш.
М.У.

Тошкент давлат стоматология тиббиёт институти
Самарканд филиали

Директор ____________ Хамидов М.Т.
М.У.

Тошкент давлат стоматология тиббиёт институти
Нукус филиали

Директор в.в.б. ____________ Курбанназаров М.К.
М.У.

O'zDSt 36. 2018 :2016

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Стоматология" бўйича Бош мутахассиси

_____________ С.Н. Махсудов

2017 йил «12» февраля

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Хамширалик иши" бўйича Бош мутахассиси

_____________ Р.К.Салиходжаева

2017 йил «12» февраля

М.Ў.

O'zDSt 36.2018 :2016

***510 000-Соғлиқни сақлаш*** **таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси**
**ҳузуридаги Давлат тест марказида**
**экспертизадан ўтказилди**

**Бошқарма бошлиғи** ____________ **Ф.Мирзаев**

2015 йил «____» ____________

M.Ў

**Эксперт гуруҳи аъзолари:**

| Ф.И.Ш. | Лавозими | Имзо |
|---|---|---|
| Назаров Б | Бўлим бошлиғи | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, METROLOGIYA, NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

"510000-Соғлиқни сақлаш" таълим сохасининг ДТС турдош ОТМ билан келишув

## БАЁННОМАСИ

**Тошкент ш.** "12" 02. 2015 й

**Кун тартиби:** Янгитдан ишлаб чиқилган "510000-Соғлиқни сақлаш" таълим соҳасининг ДТСни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ муҳокамаси

**Қатнашдилар:**
***Раис:***

Ў.С.Исмоилов - Фан ва ўқув юртлар Бош бошқармаси бошлиғи

***Раис ўринбосари:***

Г.А.Юсупалиева - Фан ва ўқув юртлар Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари-ўқув юртлари бўлими бошлиғи

***Аъзолар:***

О.Р. Тешаев - Тошкент тиббиёт акадаемияси ўқув ишлар бўйича проректор.
Ф.Х. Азизова - Тошкент тиббиёт акадаемияси ўқув-услубий бўлими бошлиғи.
А.И. Искандаров - Тошкент педиатрия тиббиё институти ўқув ишлар бўйича проректор.
Н.В. Агзамова - Тошкент педиатрия тиббиё институти ўқув бўлими бошлиғи
Х.С. Зайнутдинов - Тошкент фармацевтика институти ўқув ишлар бўйича проректор.
Ш.З. Умарова - Тошкент фармацевтика институти ўқув бўлими бошлиғи
С.Н. Махсудов - Тошкент Давлат стоматология институти ўқув ишлар бўйича проректор.
Н.Р. Янгиева - Тошкент Давлат стоматология институти ўқув бўлими бошлиғи.
И.И. Алимжанов - Андижон Давлат тиббиёт институти ўқув ишлар бўйича проректор.
К.М. Юсупов - Андижон Давлат тиббиёт институти ўқув бўлими бошлиги.
З.Б. Курбанниязов - Самарканд Давлат тиббиёт институти ўқув ишлар бўйича проректор.
Э.С. Тоиров - Самарқанд Давлат тиббиёт институти ўқув бўлими бошлиғи.
С.Ш. Олимов - Бухоро Давлат тиббиёт институти ўқув ишлар бўйича проректор.
К.Я. Бахранова - Бухоро Давлат тиббиёт институти ўқув бўлими бошлиғи.

**Эшитилди:** Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётидаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш

ва қўшимчалар киритилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон Қарори билан тасдиқланди. Ушбу қарор асосида ҳар бир таълим соҳаси бўйича ягона ДТС ишлаб чиқилиши белгиланган. Шу муносабат билан, таянч ОТМлари ректорлари раҳбарлигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди ва 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича ягона ДТС яратилди. 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг ДТСни ишлаб чиқишда тиббиёт соҳасига тегишли барча тармоқлар (даволаш иши, педиатрия, фармацевтика, стоматология, олий ҳамширалик иши) бўйича кадрлар тайёрлаш, уларни касбий фаолият объектлари, соҳалари, турлари келтирилди. Мазкур стандартни ишлаб чиқишда кадр истеъмолчилари томонидан белгиланган малака талаблари асос қилиб олинди.

Таянч ОТМ ўқув ишлари проректорлари (О.Р.Тешаев, А.И.Искандаров, Х.С.Зайнутдинов, С.Н.Махсудов) муҳокамада қатнашиб, республикамизда иқтисодий ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, тиббиёт ва фармацевтика соҳасига оид янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни ташкил этиш чоралари ҳам инобатга олинганлиги, битирувчиларнинг касбий мослашув имкониятлари ҳам умумлашган ҳолда берилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

Муҳокамада кадр истеъмолчиларидан С.И.Асатов, Ф.А.Акилов, Д.И. Ахмедова, А.А.Абдушукуровлар, қатнашиб, бакалавриат ва магистратура битирувчиларининг касбий фаолият объектларини аниқлаштиришни таклиф этдилар.

Турдош ОТМдан Л.Н. Хабилов, Б.Т. Даминов ва бошқ. муҳокамада қатнашиб 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблар бўйича таклифлар киритишди: тиббий-профилактик, тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам, ташхислаш ва даволаш, реабилитация фаолиятида, тиббий-ижтимоий, илмий тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, ташкилий-бошқарув, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик ва харбий-тиббий ёрдам фаолиятлари бўйича таклифлар киритишди.

**Қарор:** 1. Кадр истеъмолчиларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ДТСга ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзгартирилган ДТС белгиланган муддатда ЎзР ОЎМТВнинг Олий таълимни ривожлантириш марказига тақдим этилсин.

**Раис** **Ў.С.Исмаилов**

**Котиба** **Ш.З.Умарова**

“510000-Соғлиқни сақлаш” таълим соҳасининг ДТС ларини ишлаб чиқувчилар ва кадр истеъмолчилари ўртасида келишув

# ДАЛОЛАТНОМА СИ

Тошкент шаҳри "12" 02. 2015 й

Биз қуйида имзо қўювчилар - Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.И.Каримов, Тошкент фармацевтика институти ректори А.Н.Юнусхўжаев, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Т.Даминов, Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Л.Хабилов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х.К.Джалилов, “Дори-дармон” АКнинг бошқарув раис ўринбосари С.И.Асадов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология ихтисослашган илмий маркази директори Ф.А.Акилов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия ихтисослашган илмий-амалий маркази директори Д.И.Ахмедовалар “Соғлиқни сақлаш” таълим соҳаси бўйича ишлаб чиқилган ДТС мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик.

ДТСда кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

ДТСларнинг қайта ишлаб чиқилишида: “Соғлиқни сақлаш” таълим соҳаси таркибидаги барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолият объектлари, турлари, соҳалари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган ДТС ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.И.Каримов

Тошкент фармацевтика институти ректори А.Н.Юнусхўжаев

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Т.Даминов

Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Л.Хабилов

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х.К.Джалилов

"Дори-дармон" АКнинг бошқарув
раис ўринбосари С.И.Асадов

Ўзбекистон Респкбликаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги Урология ихтисослашган
илмий маркази директори Ф.А.Акилов

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги Педиатрия ихтисослашган
илмий-амалий маркази директори Д.И.Аҳмедова

*Олий таълимнинг 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича ишлаб чиқилган* Давлат таълим стандартига

# *ТАҚРИЗ*

510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сонли қарорига киритилган қўшимча ўзгартиришларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари ва бошқаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Давлат таълим стандарти 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу Давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда бакалвриат талабалари битирувчиларига ва 2-қисмида магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий талаблар келтирилган. Шунингдек, 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси, ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизими киритилган.

ДТСда республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялари бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эхтиёжлари ҳисобга олинган. Компетентли ёндошувни амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятлар ва ҳ.к.)шаклларини ўтказишни, ўқиётганларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутилган.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида 510 000-Соғлиқни сақлаш давлат таълим стандарти замон талабига жавоб беради деб ҳисоблайман ва уни кадрлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиш тавсия этилади.

Узбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
«Стоматология» бўйича
Бош мутахассиси, профессор — С.Н.Махсудов

**510 000 – СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ**

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИГА**

**ТАҚРИЗ**

510000 – Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқ қўйилган талабларга мос равишда илк бор ишлаб чиқилган.

ДТС икки қисмдан иборат бўлиб унда 510000-Соғликни сақлаш таълим соҳасининг умумий таснифи, таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, умумий малака талаблари, малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар, 510000-Соғликни сақлаш таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси, таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига ва моддий-техник базасига қўйиладиган умумий талаблар, эслатма ва иловалар шакллантирилган.

510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти қуйидагиларни белгилайди:

- ўқиш муддатларини;
- бакалавр ва мутахассис дипломлари берилишини;
- касбий фаолият соҳалари, турлари ва объектларининг характеристикасини;
- соха таълимининг мазмуни ва компонентларини;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий- илмий, умумкасбий, ихтисослик ва қўшимча фан блоклари бўйича билим ва кўникмаларга қўйиладиган талабларни;
- малака амалиётларининг турлари, объектлари ва малака амалиётини ташкил этиш талабларини ;
- давлат таълим стандарти татбиқ этилишини;

510000 - Соғлиқни сақлаш сохаси давлат таълим стандарти аккредитациядан ўтган олий таълим муассасаларида йўналишлар бўйича таълим ва информацион технологияларни, замонавий ўқитишнинг техник воситаларини қўллаган ҳолда кадрлар тайёрлаш учун тавсия этилиши мумкин.

510000 - Соғлиқни сақлаш сохаси давлат таълим стандарти мазмуни, структураси соҳа таълим йўналишлари ва уларнинг негизида тайёрланадиган магистратура мутахассисларини амалий кўникмаларга эга бўлишига ва соғликни сақлаш тизимида бакалавр ва мутахассисларнинг касбий фаолият кўрсатишига мос равишда тузилган.

**Ўз Р ССВнинг бош педиатри,**
**т.ф.д., профессор** **Д.И. Ахмедова**

***Олий таълимнинг 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича ишлаб чиқилган***

**Давлат таълим стандартига**

## ***Т А Қ Р И З***

510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сонли қарорига киритилган қўшимча ўзгартиришларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари ва бошқаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Давлат таълим стандарти 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда, ушбу Давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда бакалавриат талабалари битирувчиларига ва 2-қисмида магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий талаблар келтирилган. Шунингдек, 510000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизими киритилган.

ДТСда республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айникса, юқори ва инновацион технологиялари бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Компетентли ёндашувни амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятлар ва ҳ.к.)шаклларини ўтказишни, ўқиётганларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутилган.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида 510 000-Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти замон талабига жавоб беради ва уни кадрлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиш тавсия этилади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг**
**Дори воситалари ва тиббий техника**
**сифатини назорат қилиш**
**Бош бошқармаси бошлиғи** **Х.К.Джалилов**

IMZONI TASDIQLAYMAN
XODIMLAR BO'LIMI

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАЪЛИМ СОҲАСИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАСИ МАЖЛИС

## БАЁНИ 2

Тошкент ш. «12» 03 2015 й.

Раис: Даминов Б.Т. - соғлиқни сақлаш таълим соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув-услубий бирлашмаси раиси
Котиб: Ахмедов А.Г.

## ҚАТНАШДИЛАР:

Тешаев О.Р. – ТТА ўқув ишлари проректори, Искандаров А.И. – ТошПТИ ўқув ишлари проректори, Зайнутдинов Х.С. – ТошФармИ ўқув ишлари проректори, Махсудов С.Н. – ТДСИ ўқув ишлари проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

## КУН ТАРТИБИ:

Янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофик ишлаб чиқилган 510000 Соғликни саклаш таълим сохасининг Давлат таълим стандарти муҳокамаси

## ЭШИТИЛДИ:

Кўрилаётган масала бўйича ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев, ТошПТИ ўқув ишлари проректори А.И. Искандаров, ТошФармИ ўқув ишлари проректори Х.С. Зайнутдинов, ТошДавСИ ўқув ишлари проректори С.Н.Махсудов таянч тиббиёт ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 510000 Соғликни саклаш сохасининг Давлат таълим стандарти бўйича ахборот бердилар: мазкур соҳа ДТС янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори асосида илк бор тайёрланган бўлиб, таълим йўналишларининг ва магистратура мутахассисликларининг таълим соҳаси умумий таснифи, битирувчиларнинг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий таълаблар, кадрлар тайёрлаш сифатини талаблари киритилган, хорижда мавжуд бўлган тажрибалар инобатга олинган, узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш тамойилларига амал қилинган.

Мазкур давлат таълим стандарти Вазирлар Махкамасининг 343-сонли Қарорига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мослиги ҳақида ўқув-услубий бўлим бошлиқлари Ф.Х.Азизова, Н.В.Агзамова, Ш.З.Умарова, госпитал ортопедик стоматология кафедраси доценти М.Т.Сафаровлар ахборот бердилар. Улар юқорида қайд этилган соҳа ДТС Вазирлар Махкамасининг 343-сонли Қарори билан тасдиқланган ва 2015 йил 10 январдаги 9- сон қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар” доирасида

тайёрланганлиги нуктаи-назаридан қайта кўриб чиқилганлигини таъкидладилар.

Агзамова Н.В. қайд этилган соҳа ДТС таянч олий таълим муассасаларининг таклифлари инобатга олинганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

О.Р.Тешаев Олий таълимнинг билим соҳаси бўйича ижодий ишчи гуруҳ аъзоси сифатида ТТА, ТошПТИ, ТошФармИ, ТДСИ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган Соғликни сақлаш таълим сохасининг Давлат таълим стандарти “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими тармоқларига мослиги ҳақида гапирди ҳамда “Ўзстандарт” агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказиш таклифини берди.

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Тайёрланган 510000 Соғликни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти Вазирлар Махкамасининг 2001 йилдаги 343-сонли Қарорига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга қатъий амал қилинган холда ишлаб чиқилганлиги ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилганлиги белгилаб қўйилсин.

Ишлаб чиқилган ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этилсин.

**Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув-услубий бирлашмаси раиси** **Даминов Б.Т.**

**Котиб** **Ахмедов А.Г.**

## Фармацевтика соҳасига оид таълим йўналишларини халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

### Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Канада (резидентура) | Чехия (магистратура) | Германия |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | бакалавриатура | бакалавриатура ва яна 1 йил диплом иши | магистратура ва 5 ой интернатура | бакалавриатура ва 6 ойлик тайёрлов |
| 2. | Давомийлиги | 5 йил | 4 йил | 5 йил | 4 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 6 - 10 | 4 - 6 | - | 10-12 |
| 4. | Ўтиш жойлари | Тошкент фарма-цевтика институти, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси. | Университет қоши-даги даволаш муассасалари, ва дори тайёрлаш жойлари. | Университет қоши-даги махсус лабораториялар, кафедралар ва ўқув марказлари. | Университет қошидаги махсус лабораториялар |
| 5. | Таълим берувчилар | Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилари | Университет қошидаги фармация факультетлари профессор-ўқитув-чилари | Университет қошидаги кафедралар, ўқув марказлари профес-сор-ўқитувчилари | Университет профессорлари, юқори малакали мутихассислар |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: ўқув бўлими, деканат. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: кафедра профес-сор-ўқитувчилари, деканат, резиден-тура бўлими. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: ўқув марказлари - профессор-ўқитув-чилар, резидентлар. | Университет профессорлари, юқори малакали мутахассислар |

### Бакалавриатурада таълим жараёнинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Канада (резидентура) | Чехия (резидентура) | Германия (резидентура) |
|---|---|---|---|---|---|
